

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕК ИСТИҚБУЛИКЛАРИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҲМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 35 (65862)  
1995 йил, 19 сентябрь, сешанба

Сотувда эркин нархда

## «Кўз нури — чеварам»

— Бугун негадир кунглим гаш, чироқ ёкса ёришмайди...

Ҳозиргина мактабдан келиб момосининг ҳолидан хабар олишга кирган Азмидин қартайиб қолган бувисининг чехрасига, кейинги вақтда бутунлай курмай қолган кузларига маюс ва юраги ачишиб назар солди. Кейин...

— Вой, узимнинг моможони-мей, бугун ҳар кунгидан ҳам тексиз-ку, — деди овозига кувноқ тус бериб. — Ҳозир сизга газетадан яхши бир хабарни ўқиб бераман. Ҳукуматимиз нафақаларингизни яна оширибди. Ҳа, айтгандай, дам олиш куни анови қушни қишлоқдаги дугонангиз бор-ку, уруш даврида далада бирга ишлагансизлар, ушаларникига олиб бораман.

Меҳрибон чеварасининг бу гаплари момонинг кунглини тоғдек кутарди. Кекса юрагида ҳаётга, яшашга илинж пайдо қилди.

— Илоё, умринг узоқ булсин, мурудинга етгин, — дея момо дуога қул очди.

Азмидин Бердиев «Гардиён» қишлоғилик Саломат момонинг қирқдан зиёд неварачеварасининг бири. У Қизилтепа тумани, Бобур номидаги мактабда ўқийди.

Саломат буви Равшанова эса урушга кетган умр йулдошини кута-кута ягона қизини бағрига босиб танҳо ўтди. Ғуза чопди, итак курти боқди. Ҳалол меҳнатлари эвазига халқ ҳурматини қозонди, орден ва медаллар олди. Ҳозирги етмиш олти ёшли чоғида неварачеваралари бағрида.

«Оиласида меҳр-оқибат қурган инеон бошқаларга ҳам оқибатли булади» дейишди. Азмидин ана шунақа болалардан. «Кўз нури — чеварам», деб эркалайди уни момоси.

**Сачоқ ЭГАМОВ,**  
Бухоро вилояти.



## БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

**Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгашиш бошлады. Унда юртбошимиз Ислон Каримов нутқ сўзлады.**

\*\*\*

**«Ўзэкспомарказ»да Ҳиндистон савдо кўргазмаси очилди.**

\*\*\*

**Тошкент Давлат дорилфунунининг 75 йиллиги тантанали нишонланди.**

\*\*\*

**Беньков номидаги Тошкент рассомлик бадиий билим юртида Орол ва Оролбўйи муаммоларига бағишланган симпозиум очилди. Унда Ўзбекистон, Германия ва Покистон рассомлари иштирок этишди.**

\*\*\*

**Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 212-мактабда экология билимлари ўрганиладиган учта синф очилди.**

\*\*\*

**Наманганда «Оила куни» байрами бўлиб ўтди.**



**Ҳар тонг уйқудан кўзингизни очиб, энг аввало бугун қилинадиган ишлар режасини тузасиз. Мактабингизда, уйда, тўгаракларда бажарадиган ишларингизни ўйлайсиз. Ўқув йили эса яқиндагина бошланган. Ҳали кўпгина ишларни амалга ошириш, синф, мактаб Болалар Уюшмаси ҳаётини яхши изга солиб олиш керак. Бунинг учун ким кўмакдош бўлади?**

**Албатта, «Тонг юлдузи»!**

**Менинг «Тонг юлдузим», — деяпти суратдаги тенгдошингиз. Уни буйил ҳам, келаси йил ҳам ўқийман деяпти, — яна у.**

**Сиз-чи? Сизга ҳам ҳамроҳми у? Ҳамишалик ҳаммаслак дўстингиз бўлиши учун нима қилиш керак?**

**Ёзинг, маслаҳат ва фикр-мулоҳазаларингизга муштоқмиз, келиб меҳмонимиз бўлинг.**

## Эҳ, Денди, Денди

«ЮНИОН», «Пантера», «ВТ», «ЛМ-888». Булар — Жанубий Кореядаги «Денди» фирмаси ишлаб чиқарётган, болалар сим орқали қул билан бошқариб уйнайдиган митти компьютернинг номлари. Дунёда унинг яна қанақа номлари бор экан?

Бизнингча, узининг шахсий «Денди»си бўлишни орзу қилмайдиган бола бўлмаса керак. Яқинда Юлдузхон «Денди» ҳақида бир неча ўқувчи билан мулоқотда бўлди.

**СИРОЖИДДИН — Тошкентдаги 217-мактаб ўқувчиси:**

— Аввало «Денди»нинг афзаллиги ҳақида. Телевизор орқали мультфильм курсангиз қандай намоёиш этилса, шундай қуришга мажбурсиз. Дендини бўлса, хоҳлаган дискетингизни кўйиб олиб, уйини узингиз бошқарасиз, чаққонлик, билимдонлик сизда кучли бўлса, «ютиб» чиқасиз, бўлмаса ютқазасиз, энди «зарари» ҳақида гапирсак. Аввало, битта сизга ёқадиган дендини текширтириб олиш билан 600 сум тўлайсиз (албатта, ота-онангнинг чунтаги ҳисобига). Денди билан бирга сотилган «дискет» сизга ёқса хўп, ёқмаса 250-330 сумга яна битта дискет олишга мажбурсиз, бунинг устига электр энергиясини сарф бўлиши, телевизор бузилиши... йў-ўқ, яхшиси денди олмаганим маъкул...

**ЖАМОЛИДДИН — Тошкент шаҳар, Комил Ерматов номидаги мактаб ўқувчиси:**

— Менга дадам «денди» олиб бердилар. Мен уларнинг бизни боқиш, кийинтириш учун қанчалик ҳаракат қилишлари, яъни қушимча даромад топиш учун четдан иш олиб

ишлалари, ҳатто дам олиш кунлари ҳам тинч ўтирмасликларини яхши биламан. Катта бўлсам албатта, меҳрибонликларига, меҳр билан, яхшилик билан жавоб бераман, деб орзу қиламан. Ҳозирча компьютернинг менга битта фойдаси тегяпти. У ҳам бўлса кучага камроқ чиқиб, ойимдан койиш эшитмаяпман.

**ЗИЛОЛА — Тошкентдаги 12-мактаб ўқувчиси:**

— Ушбу компьютерни жуда яхши кўраман. Лекин ҳамма нарса меърида бўлгани яхши. Угил болаларга ухшаб беш-олти соатлаб экранга термулиб утирмайман, биринчидан, «блокпитание» — электр қуввати билан озиклантириш қутичаси қизиб, портлаб кетиши эҳтимол, иккинчидан уйда, ойимларга ёрдамлашишдан чалғитади, дарс тайёрлашга вақт кам қолади. Шунинг учун ҳам бир кунда бир-икки соатдан ортққ уйнамайман.

**ЎЗАЛ НАСРИДДИНОВА, она, «Ўқитувчи» нашриёти муҳаррири:**

— Уғлимга денди сотиб олиб берганимиздан буён бир нарсага ҳавотирда эдим, яъни ҳадеб ёруғликка тикилавериш кузига зарар қилмасмикан ёки кучадаги болалар билан кам мулоқотда бўлиб одамови бўлиб қолмасмикан, деб уйлардим. Худога шукур, унинг дендиси бузилиб қолди.

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Мана сиз ҳозир болалар ўртасида (айниқса, Тошкентда) кенг тарқалган «денди» деб номланувчи компьютер ўйини ҳақидаги баъзи фикр-мулоҳазалар билан танишдингиз. Бу тўғрида сиз нима дейсиз? Хат ёзинг, кўнғироқ қилинг.





— Ноила сenga мактабда ўқиш ёқдимми? — сурайман 1-синфга чиққан танишимнинг қизилан.

— Мактаб эмас, боғча-гимназия денг, — дейди фахр билан Ноила ва сузида давом этиб, — сиз инглиз тилини биласизми, мен биламан, инглиз, рус тилларида гаплаша олам.

— Қаердан ургана қолдинг?  
— Боғча опам ургатганлар. Улар ҳамма нарсани биладилар.

Ноиланинг боғча-гимназияси билан фахрланиб гапириши бизни шу маскан томон етаклади.

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги Киров номли канал буйида — табиатнинг суюкли гушасида болаликнинг бетакдор, масъум, бегубор дамларини жамлаган, узга бир оламни узида мужассам этган болалар қасри — «Қувонч» боғча-гимназияси комплекси жойлашган. Тилга олса айтгудек бу ажиб кичкинтойлар маскани илгари боғча-лицей бўлиб, бу йилдан бошлаб боғча-гимназияга айлантирилди. Ҳозирча у вилоятда ягона.

Эрта тонгданок болаларни тарбиячи опалар билан бир қаторда қабул қилаётган боғча-гимназия директори, ташаббускор, фидойи аёл Сабоҳат опани суҳбатга тортдик ва боғча-гимназияси ҳақида гапириб беришларини сурадик.

— Бу йил болаларни тўрт ешдан махсус тест асосида қабул қилдик. Келувчилар жуда кўп. Ҳаммасини қабул қилиш имкони йўқ, шартларимиз, синовларимиз бор. Шартларимиз шуки, болалар берилган расмлардаги рангларни ажрата билишлари, ҳайвон суратлари курсатилганда қайчилигини аниқлаб беришлари керак. Бу йил қабул қилинган болалар тест синовларидан яхши ўтиш-

ди. Утган йили боғча-лицей булганида тажриба тарзида синф очдик. Ҳозир шу болалар 2-синф ўқувчилари бўлишди. Боғча-гимназия комплекси дейилишига сабаб, боғча ва мактаб бир жойда бўлади. Бу йил олгита синф очиди. Шулардан тўрттаси биринчи, учта узбек ва битта рус синфи, иккита 2-синфда машғулотлар олиб борилади. Бу йил тўрт ешдан қабул қилинган болалар йиллар ўтиб мактабни шу ерда тамомлаб, олий илмгоҳларга ўқишга боришади. Бу йилги қабул қилинган болаларнинг 50 нафари шаҳар ташқариси ва туманлардан келганлиги сабаб-

эканлигидан далолат бериб туради. Айниқса, компьютер хонаси бизни лол қолдирди. Катта хонага ўрнатилган компьютерлар ёнида жажжигина кичкинтойлар бемалол машиналар билан «тиллашиб» турли ўйинларни компьютер асосида бажаришарди. Яқиндагина чет эллардаги боғчаларда компьютер борлигини эшитсак ёки болаларнинг компьютер билан ишлашини «Ойнаи жаҳон» орқали курсак, уларга ҳавас билан қарардик. Мана бугунги кунда ана шу муъжизалар узимизда мавжудлигини куриб турибмиз. Компьютер буйича мураббий Равшан Мулданов болалар билан

Кувноқлар масканида

казиб туради. Худди шу ерда ўқитувчи ва тарбиячиларнинг кучи билан ташкил этилган ажайиб музей бўлиб, бу музейга асосан тарбиячиларнинг қўллари билан ясалган экспонатлар қўйилган.

Мазкур боғча-гимназия асосан математика ва инглиз тилини пухта ўзлаштиришга ихтисослашган. Чет тили хонасидаги барча жиҳозлар дарсларнинг пишк, пухта бўлишига хизмат қилади. Утган йили лотин ёзуви асосланган узбек алфави-

лари ассоциацияси, вилоят сув хужалиги бошқармасидагилар қўллари билан келганча қумаклашадилар. Масалан, «Наби» фирмаси компьютерлар учун қimmatбахо ҳимоя ойнаси билан таъминлади, бошқа ташкилотлар ва корхоналар пул маблағидан ёрдам бериб турдилар.

«Қувонч»даги қувончли ишлар, ютуқлар, узгаришлар албатта, мана шу маскан директори — ишбилармон, уздабурон, ташкилотчи, иши билан сузи бир раҳбар, халқ таълими аълочиси Сабоҳат опа Миржалилованинг фидойилиги туфайлидир. Яқинда Сабоҳат опа Самарқандда бўлиб утган республика миқёсидаги хотин-қизларнинг анжуманида қатнашганида боғчанинг республика «Соғлом авлод учун» шиори остида ўтказилган курик-танловда учинчи урин олганлиги эълон қилинди. Унга ана шу голиблик мукофоти дипломи ва бошқа қimmatбахо совғалар топширилди. Куриниб турибдики, боғча-гимназиядаги ҳамма ишлар, ҳаракатлар келажакимиз бўлган болажонларимизнинг соғлом, дуркун, ақли теран, маънавий баркамол, юрт учун, эл учун муносиб кишилар бўлиб, етишишларига қаратилган.

«Қувонч» боғча-гимназиясида дарсга кириш учун кўнги-роқ чалинди. Болалар ўзларининг меҳрибон муаллимлари оғушида билимнинг сеҳрли оламига йўл олдилар. Боғча ешидаги кичкинтойлар учун эса одатдаги қувноқ, серзавк дамлар давом этмоқда.

**Холида ПАРДАБОЕВА,  
Феруза ОДИЛОВА,  
Сирдарё вилояти,  
Гулистон шаҳри.**

«ҚУВОНЧ»ДАГИ ҚУВОНЧЛАР

ли шу ерда доимий равишда — кеча ва кундуз тарбиямизда бўлади. Кейинчалик имкониятларимиз кўпайиб, ўқувчиларнинг ҳаммаси шу ерда қолиб тарбия олишади. Ҳозир мактаб ешидаги болалар 135 нафарни, боғча ешидагилар эса 285 нафарни ташкил этади. Келгусида боғча ёнида 420 уринли янги бино қурилиши кузда тутилган. Ана шу қурилиш амалга ошса масканимиз чинакам боғча-гимназия деган номга яраша бўлади. Утган йилдаги ютуғимиз шунда бўлдики, тайёрлов гуруҳидаги болажонлар ўқишни, ёзишни ўзлаштириб, биринчи синфдан сакраб, иккинчи синфга ўтишди. Ҳозирги иккинчи синфимиз ўша болалардан иборат.

Хоналарни қўздан кечиримиз, саришталиги, тартиб-интизом, хонанга безатилиши, жиҳозланишини куриб, бу ердаги ҳамма нарса боғча-гимназиянинг уз номига муносиб

машғулотларни қизиқарли ўтишга интилади.

Боғчанинг пастки қаватида, яъни ер остида жойлашган яна бир сирли олам борлигига дуч келдик. Бу ерда болалар билан меҳнат таълими, тасвирий санъат, мусиқа, инглиз тили ва бошқа машғулотлар ўтказиш учун алоҳида хоналар ажратилган. Тасвирий санъат хонасининг ўзи бизга эртақлар олами эслатади. Бу ерда турли эртақ қаҳрамонлари уз аксини топган. Болаларнинг жажжи қўллари билан чизилган расмлар киши эътиборини тортмай қолмайди. Худди шу қаватда болажонларимизнинг соғлом, баркамол ўсишлари учун ҳамма қўлайликлар борлигини кўрдик. Уларнинг чумилиши учун бинонинг ичида бассейн бор. Жисмоний тарбия ва мусиқа хоналарида ҳам машғулот ўтиш учун ҳамма нарса етарли. Ҳамшира Равшаной Бозорбоева болаларни ҳаммаша куриқдан ўт-

тини урганиш буйича факультатив машғулотлар ўтилган бўлса, бу йил у дарс сифатида ўтилади. Болаларга ажайиб тарбиячи-ю муаллимлар уз машғулот ва дарсларини ўтишда махсус дастур ишлаб чиққанлар. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бу ерга энг тажрибали, маҳоратли тарбиячи ва муаллимлар тўпланган. Барча янгиликлар узгаришларнинг кашфиётчиси, атрофдагиларга йўл-йўриқ курсатувчи Светлана Цой ва директор уринбосари Любовь Карасева, сочига оқ оралаган бўлса ҳам қалби ҳаммаша ёш, болажон тарбиячи — Собира опа Мингазиева, Сабоҳат опа Абдураимова, Ольга Кокотова кабилар болаларни меҳри оғушига олиб, уларнинг мурғак қалбларига йўл топа олганлар.

Шу ўринда оталиқ ташкилотлар, ҳомийларнинг ҳам ёрдами катта бўляпти. Киров номли канал бошқармаси, «Наби» фирмаси, вилоят дон маҳсулот-

Меҳрибон, меҳрибон муаллим

ИККИ ҚИШЛОҚ ЙЎЛ БОСИБ...



1952 йилнинг кузи. Илк сентябрь тонгида дарвозалари олдини супуришга чиққан қишлоқ аёллари гаройиб манзаранинг гувоҳи бўлишди. Узун куйлак, сочлари жамалак, ушқоқинадан келган қизча бир даста китобни бағрига босганича тез-тез қадам ташлаб номаълум томонга кетарди. Аёллар елкаларини қисиб: «Вой, анови узимизнинг Сожидами, сахармардондан китоб қўлтиқлаб қаёққа кетаяпти экан, ўқишгами, ҳа, бешинчини битирди, булди-да ўқиб нимама қиларди қиз бола», дея ўй-ўйларига тарқалишди.

Бироқ бу воқеа орадан бир ой ўтса ҳамки ҳар кун бир вақтда такрорланарди. Ниҳоят ахборот йиғувчи аёллардан бири ўша «қишлоқда ягона шаккоқ қиз» ҳақида бор матбуотларни тўшлаб, эълон қилди.

— Шубҳамиз тўғри экан. Сожида икки қишлоқ наридаги мактабга бир ўзи қатнаб ўқияпти экан, саккиз чақирим келадия, вой эринмаганей. Онасига дарров айтиш керак, кизини ўқишга юбормасин, қиз бола ўқитган билан нима буларди.

Лекин аёллар табиатан мулойим, мўмин-қобил аёлнинг қизига қарши бирор қаттиқ чора куришга ундай олишмади.

Шундай қилиб илмга ташна қизалоқ қандай қийинчилик бўлмасин, энгиб 1957 йилда урта мактабни тугаллаб Тошкентга жўнади. Шаҳри азимдаги САГУ (ҳозирги ТДД) га ўқишга борса, онаси у билан гаплашишни ҳам истамади.

— Болам, ушанда ўқишга кира олмай келишингни жуда истаган эдим, — иқроор булди кейинроқ онаизор. — Ахир, қўшни аёлларни ҳам тушуниш керак-да, қишлоқ қизларидан фақат сен ўқидинг, мабодо бирор кор-ҳол бўлиб, қишлоқ қизлари шаънига доғ тушмасин деб кўрқинди-да.

Сожида Фозилова олийгоҳда ҳам яхши ўқиди. Бунга унинг урта мактабдаги илми, устозлар қўлида таҳсил олгани ёрдам берди. Шулардан бири ҳозир «Маърифат» газетасида бўлим мудири бўлиб фаолият кўр-

сатаётган Ғофур Маннопов эди.

Ниҳоят талабалик йиллари ҳам ортда қолди. 1962 йили дорилфунунни битириб уз тутилган жойи Сурхондаренинг Узун туманига йўл олди. Шу ердаги 1-мактабда узбек тилидан дарс бера бошлади. Орадан уч йил ўтгач, унинг билими, шижоати, ташкилотчилигини ҳисобга олиб, Ойдин номидаги 32-мактабга директор қилиб юборишди. Ҳатто бу йиллардан ҳам туманда қизларнинг олий даргоҳларга кириб ўқишларига қаршилик кучли эди. Сожида бу тусиқларга қарши жиддий курашди, ота-оналар билан, маҳалла аҳолиси билан мунтазам суҳбатлар олиб борди. Натижада у қўшлаб муаллималар, бошқа соҳа ходимлари етиштиришга ҳисса қўшди.

Сожида опа Фозилова 1968 йилдан ҳозиргача А.Навойий номидаги 3-урта мактабда директорлик қилмоқдалар. Мактабда таълим-тарбия ишларини олиб бориш учун барча шароит мавжуд. Яна шуни ҳам айтиш керакки, 1985 йили қурилган билим даргоҳининг 1186 уринли биноси собиқ РСФСР лойиҳаси асосида қурилгани туфайли маҳаллий шароитга мос эмас эди. Ҳамма томонидан бетон плиталар билан уралган би-


нода ўқиш, айниқса, ёш болаларнинг ақлий, жисмоний ривожланишга таъсири борлигини эътиборга олиб, гингдан бошланғич синф учун қўшимча бино қўририш ташвишида вилоят ижроия қўмитасига фикрини тушунтирди. Ниҳоят 1986 йили қўшимча бино қуришга эришилди. Натижада мактабда болалар бир маҳал ўқиши учун шароит яратилди.

Утган ўқув йилида ушбу билим даргоҳидаги 3 нафар Малика Қодирова, Дилфуза Жуманиязова, Наргиза Тиловова 11-синфни «Аъло даражадаги» шаҳодатнома билан, 9-синфдан

Шаҳноза Тоштемирова, Романова, Руқия Тожиёвалар «Аъло даражадаги гувоҳнома, билан битирдилар.

1995 йилнинг ёзи. «Қаҳрамон» қишлоғи бўйлаб кетган текис кўчадан сипо кийинган, чехрасидан нур ёғилиб турган, юриш-туришидан муаллима эканлиги шундоққина билинган бир аёл ўтиб бормоқда. Дарвоза олдида салқинлагани чиққан, чаккасига райхон қистирган момолар унга гап қотади. «Сожида муаллима келаяпти, набирамнинг устози. Бир пиёла чой ичиб кетгин, болам, илос умрингдан барака топ...»

**Турсуной СОЛИЕВА**







7-синфда уқийман. Синфдош угил болалардан бирини куп уйлайдиган булиб қолдим. У яхши баҳо олса утирган жойимда ич-ичимдан қувонаман, дарсга келмай қолса қулгимга ҳеч гап кирмайди.

Хайронман, менга нима булди?

Узим сезмаган ҳолда синфимизда ҳар соҳада биринчи е голиб булишни қузлай бошладим.

Дугоналарим билан кулишиб-чақчақлашиб турагимизда, унга қузим тушган заҳоти жиддий тортиб қоламан. Назаримда, мактабга фақат унинг учун келаётгандекман. Негадир унга узимни ақлли, чиройли курсагим келмайди, ҳатто менга мутлақо эътибор бермаслигини истайману, лекин... «мен ҳақимда қандай фикрда экан-а?» деган уй сира-сира тинчлик бермайди.

Иложи борича у билан гаплашмайман, рупара келсам ичимдаги ҳаяжон ва титроқни қузимдан пайқаб қолади деган хавотирга тушаман.

Синфимиздаги қизларнинг купчилиги уни ҳурмат қилишади. Мен эса... дунё шу қадар чиройли буладими?! Энг арзимас нарсалардан ҳам ҳайратланавераман, ишимда — унум, қузимда — уйқу йуқ.

Шундай қулларнинг бирини ҳаётимни, уй-хаёлларимни остин-устун қилган ҳодиса юз берди: танаффусдан сунг дарс белгиланган синфга ҳаяллабман. Қунгироқ чалинган. Йулакда шошиб борагман. Ва тусатдан қузим... унга тушди! Довдираб қолдим. Қадамим секинлашди, тезлашди.

— Сенга усма...

Унинг овози титраб чиқди, нафаси ичига тушиб гапирдию, гапини англамадим.

— Нима?..

«И-веримдан дарсга кечиккан йигит-қизлар югуриб утди, мен эса фақат Уни қуриб турардим. У яна гапирди:

— Сенга усма олиб келдим. Бувимдан эшитдим, агар тез-тез усма қуииб турилса қуз равшанлашади экан. Қузингни ачиштирсан ҳам чида, жуда-жуда фойда экан, усма...

Бу гапларни эшитиб анграйиб қолдим. Унинг юзлари қизариб кетди.

Қоғозга уроғлик нарсани қай тарзда унинг қулидан олдим, қачон олдим — билмайман. Фақат бир нарсанга сира ақлим етмади: ахир узоқни яхши қуролмаслигини ҳеч ким, ҳатто сирдош дугоналарим ҳам билишмас эди-ку?!

Асила.

Фотима синфимиздаги энг чиройли қиз: буйи баланд, ел-

калари кенг, қадди тик. Сочлари кенг, тим қора, жингалак-жингалак. Ҳамма кӯриб қоларсан. «Ким ёзди экан?» Ҳаммадан яшириб, яшириниб секингина хатни уқийсан: «... Мен сени яхши кӯраман»...

Фарида

\*\*\*

Бу уч мактубни купдан буен енимда сақлаб юраман. Такрор-такрор уқийман. Узимга нотиш булган мактуб эгалари билан хаёлан суҳбатлашаман. «Суҳбатлашаверганим»дан учала қиз яқин одамларимга, ҳатто туғишган сингилларимга айланишган.

Ҳар одам узича мураккаб бир олам. Шундай булса-да, кези келганда арзимасдек туюлган сабаб ҳаёда кишининг қунгил қатлариде кечаётган ута сирли, ута сеҳрли туйғуларни илгаб олиш мумкин.

АСИЛА ёзган хатга яна бир бор куз югуртиринг. Йуқ, такрор синчиклаб уқинг. У 7-синф уқувчиси. Чамаси 12-13 ешда. Айни қизалоқ! Эҳтимол, уйда қушни дугоначалари билан сопалак, бештош уйнар, аргамчида учар. Бирок, у, «куп уйлайдиган булиб қолдим» деб



Хуршид ДҲСТМУҲАММАД

# Бокира туйғу мӯборак, қизлар!

лар пайдо булди.

Қаерда Санжар кӯринса, қизлар Фотимани туртишади, бунга сари Фотима лолақизғалдоқдек қизариб кетади.

Бир зумлик қуларнинг тӯнашув лаҳзалариде йигит билан қиз дунёга татигулик гап «айтиб» олишарди, назаримда. Йуқ, улар бир-бирлари билан икки оғиз гаплашиганини ҳеч ким қурмаган. Фақат Фотима билан Санжар ораларидеги қарашлари орқали туғилган мурғаккина туйғу...

Зухра

Дарс пайти ҳар ёндан қадалаётган нигоҳлардан чарчаб кетасан. Айниқса, шу пайтда муаллим доскага чақриб қолса борми, баттар азоб. Билган жавобларинг ҳам эсдан чиқиб кетади. Тӯри, сен бу нигоҳларни кутмайсан, улар сени қизиктирмайди, шундай булса-да, қандайдир ички бир ҳаяжон, ҳали тушуниб етилмаган аллақандай бир туйғу вужудингни чулғаб олади.

Қунгироқ чалинади. Танаффусда дугоналаринг қуршоғида юриб, туриб сезасанки — синф парталаридан бир-икиси бушамай, сени кузатяпти.

Бир зумгина чалғиб, кейинги дарс китобларини олиш ниятида портфелни очасану, кӯзинг китобларинг ус-

таида, омонатгина қуирилган тӯрт буклоглик қоғозга тушади. Юрагинг ҳақириб, қоғозни яширасан. Ҳамма кӯриб қоларсан, дув қизарасан. «Ким ёзди экан?» Ҳаммадан яшириб, яшириниб секингина хатни уқийсан: «... Мен сени яхши кӯраман»...

Фарида

\*\*\*

Бу уч мактубни купдан буен енимда сақлаб юраман. Такрор-такрор уқийман. Узимга нотиш булган мактуб эгалари билан хаёлан суҳбатлашаман. «Суҳбатлашаверганим»дан учала қиз яқин одамларимга, ҳатто туғишган сингилларимга айланишган.

Ҳар одам узича мураккаб бир олам. Шундай булса-да, кези келганда арзимасдек туюлган сабаб ҳаёда кишининг қунгил қатлариде кечаётган ута сирли, ута сеҳрли туйғуларни илгаб олиш мумкин.

АСИЛА ёзган хатга яна бир бор куз югуртиринг. Йуқ, такрор синчиклаб уқинг. У 7-синф уқувчиси. Чамаси 12-13 ешда. Айни қизалоқ! Эҳтимол, уйда қушни дугоначалари билан сопалак, бештош уйнар, аргамчида учар. Бирок, у, «куп уйлайдиган булиб қолдим» деб

шаққат, уни узиб ташлаш малол.

Ҳамма бало шунда!

Кечирасиз, мен «бало» сузини уз маъносидан мутлақо йироқ — суюмли маънода қулладим. Юқориде ёздим-ку, Асила табиатан вазмин, ичидеги гапини ҳар ерда достон қилавермайди, яқин-яқингача у узига маъқул нарсани «ёқайди», номаъқулини — «ёқмайди» деб ҳеч иккиланмай аниқ муносабатини айтиши олдий ҳол эди. Энди-чи?.. Энди қандоқ қилади? Қаёқдан уша бола туфайли унинг қалбиде хиссиётлар жунбуйша келадиган булиб қолди? Тинчи йуқолди?

Бу — бало эмасми? Асила синглим энди шу балога банди: қузида уйқу, ишиде унум булмасе-булмасе, бироқ энди у ана шу тотли балосиз яшай омайди. Чунки айни шу бало туфайли дунё унинг қузида янада қуркамроқ, янада жозибалироқ қуринмоқда!..

Ҳаётни шундай қабул қила билишдан юксакроқ бахт йуқ дунёда!..

ЗУҲРА ниҳоятде синчков қиз. Унинг синчковлиги Фотима билан Санжар уртасиде бошланаётган муносабатни куза-

тиш орқали чарчланмоқда.

Одатде қизлар уз дугоналарининг гузаллигини тан олишни купинде еқтиравермайдилар. Зухранинг бу бораде тантилиги қуриб турибди — у Фотимани синфнинг гузали эканини очик тан олади. Айни чоғде тан олиши боисини бирма-бир далиллашга уринади. Яъни Фотиманинг буйчанлигини, елкалари кенг, қаддини тик тутиб юришини бирма-бир таъкидлайди.

Соч қизлар қурки экани қадимдан маълум. Зухра синф гузалининг сочини батафсил, меҳр билан тасвирлайди.

Шунисе ҳам борки, Фотима фақат уз гузаллиги туфайлигина Зухранинг назарига тушмади, бунинг сабаби бошқа еқда. Санжардек «йигити» булгани учун ҳам Зухранинг назариде Фотима гузаллашиб кетмадимикан?..

Назаримде, Зухра Фотимани Санжар сингари йигитлар назари билан, Санжарни Фотима каби гузаллар назари билан нигоҳидан утказмоқда.

Санжарни Фотиманинг «йигити» деган овозларни ошкор тан олмасе-да, Зухра бу гапини ичиде рад етмайди. Аксинча, уз кузатишлари билан йигит-қизининг бир-бировига муносиблигини курсатувчи далиллар топишга уринади. Шу уриниш асносиде Фотима билан Санжарнинг бир зумлик куз қарашлари орасиде туғилган мурғаккина туйғуни кашф етлади.

Бу қандай туйғу?

Бу — Зухранинг бокира қалб қатлариде туғилган муҳаббат туйғуси!

Ҳа, муҳаббат сеҳри қунгил кучаларига қай тарафлардан кириб келишини билиш қийин. Зухра, эҳтимол, Фотиманинг ўзи изоҳлаб беролмайди, қунгил мавжини яққол қуриб турибди, синчковлиги ҳамда... уз қалбиде айни шундай мавж тулқинлари уйғона бошлагани боис, бениҳоя нафис, гоётде нозик туйғуни улугламақда.

ФАРИДА анчагина шартқи. Янглишмасам, у Асила еки Зухра каби сермушоҳаде, вазмин, синчков булишни купинде хохламайди. Эҳтимол, бу купчиликининг назариде булиш оқибатидир. Ҳар қалай, Фарида синфдош болаларнинг ҳар ёндан, нигоҳ «отиши»дан буларча булган. У бу нигоҳлардан чарчаган, бу нигоҳларга зор эмас, танаффусде қунгироқ чалинди дегунча «елим» нигоҳлардан қочиш учун у узини қизлар қуршовига уради.

Мен бугапларга ишонаман, Фаридаде ҳавас қиламан. Бирок, Фарида синглим харчанд яширишга уринмасин у ҳам Асила, Зухра каби «бало»га гирифторм! У йигитлар нигоҳидан нечоғли безор булмасин, «қандайдир ички бир ҳаяжон, ҳали тушуниб етилмаган аллақандай бир туйғу» вужудини чулғаб олаверади. Ендираверади, куйдираверади.

Бу мурғак туйғу, бу алангаи оташ Сиз сингилжонларнинг улғайиб қолаётганингиздан дарак беради. Китобингиз орасидан чиққан буклоглик қоғозде «Мен сени яхши қураман» деган ёзувни уқиб ҳарчанд норозиланманг, газабга тушманг, ҳаёт Сизни шу сузларга буйсунишга мажбур етлади. Бундай буйсуниш туйғуси учала мактуб эгасиде сезилади — Асила узининг содде-самимийлигиндан келиб чиқиб уни яширмайди, бундай буйсуниш Зухранинг дугонасига булган ҳавасиде барқ етиб қуринади, бундай буйсуниш Фариданинг қизлар қуршовига қочишда ноён булмоқда. Зеро, Фарида фақат йигитлар нигоҳидан безор булгани боисдан эмас, шундан қунглиде туғилган фаҳрифтихорни яширолмаганидан, ҳатто куз-куз қилиш мақсидиде дугоналари орасига узини урмоқда.

Унинг хоҳиш-иродасидан устун кучлар таъсириде шундай булмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, инсон иродасидан устун кучлар ҳар кимга ҳам насиб етавермайди. Такдир раво қурган йигит-қизларгина гудаклик, норасидалик, усмирлик чоғиде ана шундай бокира туйғулар гирдобиде қолади. Бу қалб гирдоби инсонни тарбиялайди, тонг насими янглиг қунгилдаги губорларни ювиб кетади — дунё ва одамларни янаде севиб-суйиб ардоқлашга даъват етлади. Фақат, нафис ва бокира туйғулар Асилга усма келтирган йигитга хос хушёрлик, назокат ва меҳр-шафқат ердамидагина сақланга қолади, куртак езадди, чаман булиб очилади. Зеро, гузаллик ва эзулик ҳар лаҳза, ҳар замон назокатта бой парваринг сувидан баҳра олиб яшайди...



Бозор иқтисодиёти шароитида мулкка эгаллик қилиш шакллари турлича бўлади. Аввало мулк ҳақида. Мулк — бу бойлик яратишда хизмат қилувчи барча ишлаб чиқариш воситаларидир. Буларга бинолар, асбоб-ускуналар ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида **ШАХСИЙ МУЛК, ХУСУСИЙ МУЛК, ЖАМОА МУЛКИ ВА ДАВЛАТ МУЛКИ** бўлиб, хусусий мулк ҳиссаси булар ичида салмоқли урин тутди.

**ШАХСИЙ МУЛК** — якка шахсга тегишли бўлиб, бойлик яратишда мулк эгасининг ўзигина иштирок этади. **ХУСУСИЙ МУЛК** — якка шахс тасарруфида бўлиб, бойлик яратишда ёлланма меҳнатдан фойдаланилади. Ривожланган хорижий мамлакатларда меҳнаткаш манфаати қонун билан ҳимоя қилинади. Бу дегани давлат меҳнаткаш меҳнати учун тўла ниши керак булган энг паст маош миқдорини белгилаб қўйган. Ишга ёлловчи жуда бўлмаганда ана шу миқдорда ҳақ тўлашга мажбур.

**ЖАМОА МУЛКИ** — бу кўпчиликка тегишли мулкдир. Уни бошқаришда мулк эгалари бирор кишини бошқарувчи сифатида сайлаб оладилар. Айрим муаммоли масалаларни кўпчилик бўлиб ҳал этадилар. Жамоа мулки ҳам турли куринишларда бўлиши мумкин. Энг кўп тарқалгани эса акциядорлар мулкидир. Бунда сиз бирор корхона чиқарган акцияни сотиб олиш билан мулкнинг бир қисмига эгаллик ҳуқуқини қўлга киритасиз. Сотиб олган акция миқдори қараб сиз корхона бошқарувида қатнашишингиз ёки қатнашмаслигингиз мумкин. Аммо, қўшган ҳиссангиз эвазига тўғри келадиган фойда миқдорини (дивидентни) олиб турасиз. Агар корхона фойда олмасиз ҳам ҳеч нарса олмайсиз. Шу туфайли бозор иқтисодиётида кўпчилик ўз маблағини фойда олаётган корхона акцияларини сотиб олиш учун сарфлашга ҳаракат қилади.

**ДАВЛАТ МУЛКИ** — бу давлат тасарруфида булган мулк бўлиб, давлат ўзининг сийёсатини амалга ошириш мақсадида фойдаланади.

Қуриб чиқдикки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инсон маълум миқдорда мулк эгаси бўлиши мумкин экан. Сизнинг бойиб кетишингиз эса олаётган даромадингиздан қандай фойдаланишингизга, қандай акцияларни сотиб олишингизга, қандай **БИЗНЕС** билан шуғулланишингизга боғлиқ бўлиб қолади. Халқимизнинг «ҳисобни билмаган ҳамёнидан айрилди» деган нақли бозор иқтисодиёти учун жуда ҳам мос келади. «Ҳисобни билиш» эса фақат илм олиш орқалигина бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми булган турли шаклдаги мулклар жумласига хонанданинг истеъдоди ва товушини олимнинг қобилияти,

ақлу заковатини, боксчининг тажрибасию кучини ҳам киритиш мумкин. Мисол учун, Америкалик машҳур кўшиқчи Майкл Жексоннинг товуши, фойдаланадиган мусиқа анжомлари унинг мулки бўлса, у айтадиган кўшиқлар мана шу мулк меваси бўлиб товар ҳисобланади. Бу товарга талабни катталиги эса эвазига Майкл Жексоннинг бир йиллик даромади 120 миллион долларни ташкил қилар экан. Бу даромадни Республикамининг Хоразм вилояти ҳам бир йилда олишини ҳисобга олсак, бозор иқтисодиёти инсон қобилияти учун ниҳоятда катта йўл очишини гувоҳи бўламиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инсон ўзгалар талаб-эҳтиёжини қондириш эвазига ўз талаб-эҳтиёжини қондиради. Мисол учун, дурадгор уста ишини олиб қарайдиган бўлсак, у ўзгалар талаби асосида керакли буюмни ясаб беради, яъни бошқа одамлар талабини қондиради. Шунинг эвазига маълум миқдорда олган даро-

са, олинаётган фойдани ҳисоблайсиз, шогирдларингизга адолатли ҳақ тўлаш, сифатли хомашё топиш, ишлаб чиқараётган маҳсулотингиз мавсуми туғандан сўнг қандай хилдаги маҳсулот турини ишлаб чиқариш ҳақида ўйлайсиз. Айтинчи, бир неча ой ичида сиз оддий косибликдан қандай даражага ўсиб чиқдингиз?

Биринчидан, сиз хусусий мулкдор даражасига кўтарилдингиз. Иккинчидан, сиз **КИЧИК БИЗНЕС** билан шуғулланувчи корхона эгасига айландингиз. Сизнинг фаолиятингиз доимо юқори фойдани қўзлашдан иборат бўлди. Юқори фойдани қўзловчи иқтисодий фаолият **БИЗНЕС** деб аталади.

Учинчидан, сиз оддий косибдан **МЕНЕЖЕР** даражасига ўсиб чиқдингиз. **МЕНЕЖЕР** — бу бир ёки бир неча ходимлар фаолиятига бошчилик қилувчи раҳбардир.

Яна давом этамиз. Ёз келиб сиз ишлаб чиқараётган маҳсулот бозори чиққонлашиб кет-

### Бозор иқтисодиётини ўрганамиз

## МУЛККА ЭГАЛИК ҚИЛИШ

мадига оиласи учун керакли озуқа, кийим-кечаклар ва бошқа нарсаларни сотиб олади. Қайсики устанинг ахлоқи яхши, «иши тоза» бўлса, унинг доимо «бозори чаққон» ва «нони бутун» бўлади.

Энди икки оғиз сўз **БИЗНЕС** ва **МЕНЕЖЕР** ҳақида. Тасаввур қилинг, сизнинг чарм тикадиган машинангиз бор. Ўзингиз ҳам косибчилик ҳунарини бир оз эгаллагансиз. Иш бошладингиз дейлик. Аввало, бозорни куриб чиқдингиз. Куз булганлигидан ичи жунли қилиб, бежирим ишланган максиларга талаб бор. Сиз ҳам хом-ашё сотиб олиб бир ҳафта давомида 10 дона махси тикиб бозорга олиб чиқдингиз. Сиз тиккан максилар ҳам тезда сотилиб кетди. Маълум миқдорда фойда ҳам кўрдингиз. Бу иш билан икки ой шуғулланганингиздан сўнг олган фойдангиз яна бир замонавий тикув дастгоҳини сотиб олишга етди. Яна бир дастгоҳ сотиб олиб, ўзингизга иккита усмирни шогирд қилиб олдингиз. Ишингиз шу зайдда давом этиб, дастгоҳларингиз сони ўн тага, шогирдларингиз эса 14 тага етди. Энди сиз тикув ишлари билан эмас, балки хом-ашё топиш, тайёр маҳсулотни сотиш билан шуғулланишгагина вақтингиз этади, холос. Шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб боришни бир шогирдингиз, сифатини текшириб боришни бошқа шогирдингиз, тайёр маҳсулотингизни сотишни яна бир шогирдингиз зиммасига юклайсиз. Ўзингиз бўл-

ди дейлик. Корхонангиз уртача фабрика даражасига ўсиб чиқди. Энди бундай фабрикани якка ўзингиз бошқара олмайсиз. Албатта, ишнинг кўзини биладиган менежерларни ёллашга мажбур бўлиб қоласиз. Ишлаб чиқараётган маҳсулотингизни битта ёки иккита дўконда сотиб улгуриб ҳам бўлмайди. Шу билан бирга хом-ашё билан таъминлаш ҳам қўлингиздан келмай қолади. Мана шунда **САВДОГАРЛАР** билан алоқани боғлашга мажбур бўлиб қоласиз. **САВДОГАР** сизнинг фабрикангиз учун керакли хом-ашёни топиб беради, ишлаб чиқарган маҳсулотингизни сотишда сизга ҳамкорлик қилади.

Бундай ишларни бажаришда замонавий техника воситалари кенг қўлланилади. **САВДОГАР** мижозлар билан битим тузади. Жунатилган маҳсулотни эгасига етиб борганлигини назорат қилади. Олинаётган ёки сотилаётган товарларнинг пулларини ўз вақтида тўлашни назорат қилади. Янги чиқарилган харидорларни мижозга айлантиришга ҳаракат қилиб, сизни кўплаб маҳсулот ишланган чикаришингиз учун имкониятлар яратиб беради.

**Баходир Зияев**  
**Тошкент Давлат аграр**  
**Университети,**  
**«Агробизнес ва**  
**менеджмент»**  
**кафедрасининг доценти.**



Юр, рақсга тушамиз.

Сураткаш Р. АЛЪБЕКОВ.

### БИЗ ЮЗТА ЭМАСМИЗ

Вали ҳар хил топишмоғу бошқотиргичларни яхши кўради. Аммо уларни ечишга баъзан кучи етмайди. Шунда катталар ёрдамлашмоқчи бўлса, у.

«Йўқ-йўқ! Менга энди чайнаб беришнинг кераги йўқ. Ўзим топаман, албатта, топаман, — дея рад этади.

Мана, яна уч кундан буён унинг «мяси банд». Уч кун аввал опаси унга қўйидаги бошқотиргич ҳикояни ўқиб берганди.

Қўлда бир гоз сузиб юрарди. Шу пайт «Ғоқ-Ғоқ!»лашиб тепадан бир гала гоз учиб ўта бошлади.

— Салом, эй юз гоз! — дея хитоб қилди қўлдаги гоз учиб ўтаётганларга. Тепадагилар унинг саломига жавоб қайтаришгач.

— Бизлар юзта эмасмиз, — деди уларнинг сардори ва таъкидлади, — бизлар нечта бўлсак, яна шунча, кейин бизнинг ярмимизча, ундан сўнг ярмимизнинг ярмича ва ниҳоят боз устига сен ҳам қўшилсангинга юзта булардик».

Сиз ҳам Валидек бош қотиринг-чи, учиб кетаётган гозлар нечта экан?

### МЕҲРИНИНГ МЕҲМОНИ

Меҳри синфдоши Шоирани меҳмонга чақирди. Дастурхонга турли ноз-неъматларни қўйиб, суҳбатга киришаркан, дўгонасини бир синаб кўрмоқчи бўлди. Вазадан катта нақш олмани олиб, тенг иккига бўлди. Бир бўлагини ўз олдига қўйиб, иккинчисини яна тенг иккига бўлди-да, уларни меҳмоннинг олдига қўяётиб сўради:

— Қани, марҳамат қилиб, айтин-чи, Шоира хоним, мен Сизга олманинг ярмини беряпманми ёки тўртдан икки қисмини?

Шоира бундай саволга тайёр эмас экан шекилли, қандай жавоб беришни билмай уйланиб қолди. Мабодо Сиз унинг ўрнида булгангизда қандай жавоб берган булардингиз?

Башарти Меҳри ўз олдига олмани ҳам иккига бўлиб, унинг ҳам бир қисмини Шоирага берганда, у олманинг тўртдан неча улушини берган буларди?

Иккита бир хил буюм (олма, варақ ва ҳоказо)ни олиб, бирини тенг тўрт бўлакка, иккинчисини саккиз бўлакка бўлинг. Кейин тўртдан уч қисми кўпроқми ёки саккиздан беш қисмили деган саволга жавоб топинг-чи?

### АЗАМАТНИНГ «АЗАМАТ»И

Азамат Азамат қишлоғида яшайди. Унинг дадаси депутат. Дадасига ҳамқишлоқлари берган нақазлардан бири — қишлоқда ёзги кино-театр қуришга мутасаддилик қилиш эди. Нақаз бажарилди: ҳамқишлоқлар унинг бошчилигида хашар қилишиб кўркемгина кинотеатр қуриб олишди. Янги томоша максанига «Азамат» деган ном ҳам берилди. Азамат ҳам бу хашарда фаол қатнашди. У икки ақаси ва амакиси билан бирга периметри — яъни томонлари узунлиги 60 метр, баланглиги — ҳар қавати 75 см булган тўрт қаватли пахса деворни сифатли андавалаб беришди.

Сиз шу кинотеатрда дастлабки томоша — сеанс бошлангунча Азаматларнинг неча квадрат метр жойини андава қилишиб, «Яшанглар, азаматлар!» дея олқиш олганларини аниқланг-чи?

60 м. (75см - 4) =

**Бобораҳим ОМОНОВ**

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**  
Ўзбекистон болалари ва  
ўсмирларининг газетаси

**Бош муҳаррир**  
**Умида**  
**АБДУАЗИМОВА**

**Таҳрир хайъати:**  
**Наримон ОРИФЖОНОВ,**  
**Феруза ЖАЛИЛОВА,**  
**Раҳима ШОМАНСУРОВА,**  
**Марат ШАФИЕВ,**  
**Сайридин ХОЛОВ**  
(масъул котиб)

IBM компьютерида терияди ва  
сахифалади. Офсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г 0397.  
11.000 нусхала босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга топшириш вақти 19.00  
Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
• Манзилимиз: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
• Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй.  
• Телефон:  
• 33-44-25